



ҚУРИЛИШ СОҲАСИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН
ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ

M.Э.Рузимов

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма прокурори

Қурилиш соҳаси бугунги кунда мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутадиган соҳалардан бири ҳисобланади. Янги турар жойлар, йўллар, инфратузилма обьектлари барпо этилиши жамият ривожи ва аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, замонавий технологиялардан фойдаланиш, экологик тозалик ва энергия самарадорлиги масалалари ҳам бу соҳада долзарб ҳисобланади. Қурилиш жараёнларида сифат, хавфсизлик ва меъёрларга риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Соҳага инвестициялар жалб этилиши ва малакали мутахассисларни тайёрлаш - унинг барқарор ривожланишига замин яратади.

Бу борада мамлакатимизда ҳам бир қатор ислоҳотлар амалга оширилиб, инфратузилмани янгилаш, аҳолига қулай яшаш муҳити яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва саноат ривожини таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг 22-мақсади доирасида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробарга кўпайтириш, 33-мақсад доирасида қурилишда техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-амалий марказини ташкил этиш, шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш



дастурини ишлаб чиқиши қурилиш соҳасини техник тартибга солиш чора – тадбирлари белгиланганлиги ҳам юқоридаги фикримиз тасдиғи хисобланади.¹

Бугунги кунда Республика миздаги қурилиш ишлари йилдан-йилга кенгайиб, унга ажратилаётган маблағлар ҳам ортиб бормоқда.

Шу билан бирга, ушбу соҳада содир қилинаётган қонун бузилиши ҳолатлари сони ҳам юқорилигича қолмоқда.

Жумладан, мамлакатизимизда прокуратура органлари томонидан биргина 2024 йилда қурилиш соҳасидаги қонунчилик ижроси юзасидан 1 156 та назорат тадбирлари ўтказилиб, натижаси бўйича жами 6 428 та прокурор назорати хужжатлари қўлланилган.²

Шу сабабли, мазкур соҳа учун ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши, яъни соҳада самарали прокурор назоратини таъминлашни такомиллаштириш зарурати туғилмоқда.

Хозирда қурилишнинг йўл соҳаси энг коррупциялашган ва қонун бузилиши ҳолатлари кўп содир қилинаётган соҳалардан бири бўлиб қолмоқда. Айниқса, қурилиш учун танлов ва тендер ўтказиш, лойиҳа хужжатларни расмийлаштириш, объектларда давлат ва техник назоратни амалга ошириш жараёнларида коррупция аралашмаган биронта ҳам босқич қолмаган.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, буюртмачи, лойиҳа ва пудрат ташкилотлари айнан Автомобиль йўллари қўмитаси ҳузурида фаолият юритиб келаётганлиги сабабли лойиҳа хужжатларини сунъий қимматлаштирилишига шароит яратиб берилмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/5841063>

² Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ягона хисоботлар портали // Электрон манбаа: <http://report.bp.gov>.



Хусусан, биргина 2024 йилда 2 228 та объектларни лойиҳа - смета хужжатлариға қарийб 800 млрд. сўм харажат ортиқча киритилганлиги аниқланган.

Сўнгги 2 йилда йўл соҳасидаги 51 та жиноят ишлари бўйича 60 нафарга яқин мансабдор шахслар қурилиш билан боғлиқ коррупциявий қилмишлари учун жиноий жавобгарликка тортилганлиги ҳам шундан далолатдир.³

Юқоридаги коррупцион ҳолатларни олди олиш мақсадида Автомобиль йўллари қўмитаси хузуридаги буюртмачи ташкилотлар ҳамда Транспорт назорат инспекциясини Қурилиш ва уй - жой коммунал хўжалиги вазирлиги таркибиға ўтказиш таклиф қилинади.

Шунингдек, Транспорт назорати инспекциясининг синов лабораторияси томонидан йўл объектларида бажарилган қурилиш ишлари бўйича лаборатория синовлари ўтказилиб, тегишли хулоса олингандан сўнг объектни фойдаланишга қабул қилиш тизимини жорий қилиш лозим.

Юқоридагиларга кўра, объектларда давлат назорати ўрнатилиб, манфаатлар тўқнашуви ва коррупцияни олди олинади.

Бундан ташқари, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қурилиш - таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектларнинг ўз вақтида молиялаштирилиши ҳамда ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланишини йўналишида ҳам бир қатор тизимли қонун бузилиши ҳолатлари мавжуд.

Хусусан, Давлат раҳбарининг ПҚ-43-сонли қарорлариға асосан 2022 йил 1 январдан бошлаб молиялаштириш манбаи аниқ бўлмагандан объектларда қурилиш - таъмирлаш ишларини бажариш тақиқланган бўлсада, маҳаллий ҳокимликлар томонидан қурилиш - таъмирлаш ишлари бўйича

³ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 25.02.2025 йилдаги таҳлилий маълумотномаси.



тұғридан тұғри шартномалар тузиб, суд қарорларини чиқартириш йўли билан маҳаллий бюджет маблағлари талон-торож қилиш ҳолатлари учрамоқда.

Шунингдек, объектларнинг лойиха - смета хужжатлари ҳақиқий курилиш турига (*жорий, муакаммал, капитал, реконструкция ва янги қурилиши*) мувофиқ бўлмаган ҳолда ишлаб чиқиш амалиёти жуда авж олган.

Айниқса, курилиш учун танлов ва тендер ўтказиш талабларига риоя қилинмасдан, лойиха хужжатларни расмийлаштириш, пудратчи ташкилотларни танлаш ҳамда объектларда давлат ва техник назоратни амалга ошириш жараёнлари коррупция ўчоғига айланган.

Курилиш - монтаж ишларининг амалга оширилиши устидан техник, муаллифлик, ички ва давлат назорати олиб борилмаслиги натижасида коррупцион ҳолатларга барҳам берилмаган.

Бундан ташқари, назорат тадбирларида объектларнинг пудрат шартномалари ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилмаган бўлса ҳам, Бюджет кодексининг 122 - моддаси талабларига зид равишда, курилиш ишлари учун бюджет маблағларини суд тартибида ундиришдан иборат салбий амалиёт аниқланган.

Бунда, пудрат шартномаси тузилган вақтда объектда курилиш - таъмирлаш ишлари амалга ошириш учун ҳеч қандай асос бўлмаса ҳам, буюртмачи ва пудратчи ўртасида ўзбошим-чалик билан пудрат шартномаси тузилган ва иқтисодий судда шартномавий муносабатларни асос қилиб маблағ ундирилган. Оқибатда, курилиш сифатсиз бажарилиб, бажарилмаган ишларни ҳисоботларга қўшиб ёзиш ҳолатлари келиб чиққан.

Ушбу тизимли муаммога ечим сифатида Халқ депутатлари Кенгашлари томонидан туман ва шаҳарларнинг бюджет маблағларини тасдиқлаш жараёнида маҳаллий бюджет ҳисобидан амалга ошириладиган қурилиш-



таъмирлаш объектлари учун ажратилган маблағларни алоҳида ҳисоб рақамга жамлаб, факат қурилишга йўналтириш таклиф қилинади.

Ушбу таклиф асосида Бюджет кодексининг 122 - моддаси талабларига асосан объектларнинг пудрат шартномалари ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилмаган бўлса, қурилиш ишлари учун бюджет маблағларини суд тартибида ундириш амалиётига чек қўйилиб, қурилишининг қонун бузилиши ҳолатлари кўп учраётган ушбу соҳаларида прокурор назоратининг самарадорлиги янада ошишига хизмат қиласи.